

## Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, муस्ताқил Ўзбекистон!



Мамлакатимизда ёш авлоднинг фаровон келажагини таъминлаш, пухта билимли, етук малакали мутахассисларни камолга етказиш асосий мақсадлардан биридир. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимини янада такомиллаштиришга қаратилаётган юксак эътибор ёшларимизнинг ҳеч қандам кам бўлмай, замонавий шарт-шароитлар билан таъминланган ўқув даргоҳларида илм олишлари, салоҳият ва иқтидорларини кенг намоён этишлари учун яратилган беқиёс имкониятлар фикримиз далилидир.

### «АБИТУРИЕНТ — 2013»

Кеча мамлакатимиздаги **57** та олий ўқув юрти ва уларнинг жойлардаги 11 филиалида қабул имтиҳонлари бўлиб ўтди.

## Ҳаяжонли дамлар, эзгу орзулар

Кувонарлиси шундаки, бугунги кунда илм-фан, санъат, спорт, sanoat, техника ва технологиялар соҳаси жадал тараққий этиб бораётган бир пайтда чуқур билим ҳамда кенг дунёқараш соҳиби бўлишга, замон билан ҳамнафас яшашга интилаётган шижоатли йигит-қизларимиз сафи тобора кенгайиб бор-

моқда. Айниқса, мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида янгидан-янги мутахассисликлар, ўзига хос ўқитиш услублари кенг жорий қилинаётганлиги боис ёшларда илм чўққиларини эгаллашга интилиш ҳисси ортаётди. Кеча талаба бўлиш орзусида олий ўқув юртига ҳужжат топшириб, тест си-

новларида иштирок этган минглаб ўғил-қизларнинг ҳаяжоню қатъиятига гувоҳ бўлган, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Жорий йилда Ўзбекистон Миллий университети қабул комиссиясига 13286 кишидан ариза тушди. Таълим масканининг бакалаврият босқичига 36 та йўналиш бўйи-

ча 1470 нафар талаба қабул қилиниши ҳисобга олинса, танлов коэффициенти 9 ўринни ташкил этмоқда. Таълим тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида изчил амалга оширилаётган чора-тадбирлар самараси ўларок, мазкур ўқув даргоҳида янги ихтисосликлар жорий қилинмоқда. Хусусан,

университетнинг иқтисодиёт факультети бакалаврият йўналишида «Кадрлар менежменти» йўналиши очилди. — Бу йил таълим муассасамизнинг биология, география, математика, кимё, фалсафа ва психология таълим йўналишларига энг кўп ҳужжат топширилди. — дейди Ўзбекистон Миллий

университети қабул комиссиясининг масъул котиби Икром Турсунов. — Энг муҳими, абитуриентлар тест синовларини муваффақиятли топширишлари учун барча зарур қулайликлар яратилди. Синовлар 12 та бинода 393 та гуруҳга бўлинган ҳолда ўтказилди. (Давоми 4-бетда).

### ДУНЁ НИГОҲИ

Яқинда Япониянинг энг кўна олий ўқув юртидан бири — Ришшо университетидида Ўзбекистонда олиб борилаётган археологик қазилма ишлари бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда япониялик таниқли олим ва археологлар, Кунчиңар юрт олий ўқув муассасаларининг профессор ва талабалари, илмий-академик доиралар, сайёҳлик компаниялари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

## Японияда давра суҳбати

Сурхондарё вилояти заминдаги археология ёдгорликлари, Самарқанд, Тошкент, Шаҳрисабз ва Термиз сингари шаҳарларнинг диққатга сазовор масканлари ҳақидаги атрофлича маълумотлар қатнашчилар эътиборига ҳавола этилди.

Тадбирда чўзга чиққан **Комазва университети профессори Хироки Фурушо** билдириганидек, Ўзбекистон замини қадим замонлардан буюн Буюк Ипак йўлининг юрғи саналадики, у ерда ўзбек халқининг бектакор ва кўп асрлик тарихдан шохидлик берувчи минглаб мейморчилик обидалари сақланиб қолган.

Сурхондарё вилоятидаги археология қазилмаларидаги иштирокининг натижалари ҳақида сўзлар экан, Х. Фурушо бу ҳудудда топилган буюмлар ўзбек халқининг бой маънавий меросини акс эттириб, улар япон олимларида доимо катта қизиқиш уйғотиб келганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

## Эъзоз, эътибор, эҳтиром



Аёл деганимизда, кўз олдимизда ҳамisha ҳаракатда бўлган фидойи зот намоён бўлади. У юз бир ришта билан оиласи, фарзандлари, яқинларига боғланган бўлса, яна шунча ришта билан жамиятга боғланиб яшайди. У жигарлар орасидаги меҳр-муҳаббатга нурқўприк бўлади. Жонидан бунёд бўлган фарзандларини камолот чўққисига олиб чиқадиган пўлат пиллапоё вазифасини адо этади. Турмуш ўртоғининг кўнглини меҳр-муҳаббат туйғулари билан қувватлантириб турадиган чашмага айланади. Ҳар қанча чиройли таъриф, тавсифлар берсак-да, Аёл улардан гўзал, мўъжизакор, кучли.

Беҳад мамнунмики, истиқлол йилларида хотин-қизларнинг оиладаги, жамият ва давлат қурилишидаги ўрни ва ролини ошириш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифага айланди.

Хотин-қизларга гамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, уларнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, жамиятда кечаётган барча ўзгаришларда опа-сингилларимизнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси

билан 1991 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташкил қилинди. Мазкур кўмита хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг оиладаги ва жамиятдаги нуфузини янада юксалти-

риш, шунингдек, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш ва эҳтиёжларини янада тўлароқ таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида юртимизда аёлларнинг жамият ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқларини муҳофаза-лашга қаратилган 80 дан ортқ миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинди. Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонун ҳужжатлари аёлларнинг ҳуқуқ ва мафаатларини муносиб ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

(Давоми 4-бетда).

## Экологик барқарорлик мезони

Глобал миқёсда атроф-муҳитни асраб-авайлаш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уни келажақ авлодларга бекаму кўст етказиш нечоғлиқ муҳим ҳамда долзарб эканлиги барчага аён.

Ана шундай шароитда минтақавий ва глобал экологик муаммолар оқибатларини бартараф этиш ҳамда экологик хавфсизлиқни таъминлаш учун Ўзбекистонда кенг жамоатчиликни бирлаштирадиган, уларнинг салоҳиятини бир жойга жамлаш оладиган ҳаракатлантирувчи кучга зарурат туғилган эди.

### САНА

Шу боис бундан беш йил муқаддам — 2008 йилнинг 2 августидида «Соғлом муҳит — инсон саломатлиги» гоёсини ўзига шиор қилиб олган Ўзбекистон экологик ҳаракати вужудга келди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан атроф-муҳитни

муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни соғломлаштириш, бу борада қонунчиликни ривожлантириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим-тарбия тизimini такомиллаштириш, ушбу йўналишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга

оширилди. Аввало, давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликнинг самарали механизми яратилди. Хусусан, атроф-муҳит муҳофазаси ва табиёт соҳасида фаолият олиб бораётган 200 дан ортқ маҳаллий нодавлат но-тихорат ташкилотлари фао-

лиятини мувофиқлаштиришга муваффақ бўлинди.

Экоҳаракат Марказий Кенгаши, унинг ҳудудий бўлиналари, фаолларимиз томонидан жойларда атроф-муҳит муҳофазаси ва соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ҳаракат фаолиятига ёшларни жалб этиш, қишлоқларни ободонлаштириш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган 3 минг 700 дан ортқ турли амалий, ташкилий, илмий-маърифий тадбирлар уюштирилди. Уларда 2,5 миллиондан зиёд давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, фуқаролар жамияти институтлари, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари қатнашгани ҳам ҳаракатнинг фаолият кўламини кенгайтганидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда).



## АЁЛЛАРИ АРДОҚЛАНГАН ЮРТ

Аёл бахти нимада? Турли даврларда бу саволи менга кўп беришади. Энг аввало, оналикнинг ўзи катта бахт, дейман уларга. Яна, юртимиз тинч, фарзандларимиз омон, толемимиз кулгани шу-да, деб қўшиб қўяман.

Ҳар қилинган ўлчови ҳар хил. Лекин юртимизда хотин-қизларга қўрсатилаётган ҳурмат-эътибор, иззат-иқромнинг қиймати йўқ. Буларни ҳис этиб яшаётган аёлларимизни бахтли демас бўладими?! Уй-жойимизу ичимиз-ку тайин. Болаларимиз роҳатини кураямиз. Меҳнатимиз қадр топаётми. Муқофотларнинг бари — бизники. Вилоятимиздан тўрт киши «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвонга сазовор бўлган. Уларнинг уч нафари аёл.

Ақлимни ўша инсон шайни топган замонда тандим. Отамга қўшилиб далада ишлаган, кетмон чондим. Аммо топанамиз қора қозонимизга арим чўмчи бўлиб тушганини эсламайман.

Катталиқка йўлангун, бугун донги чиққан фермерман. Иззатим, ҳурматим баланд. Топиш-тушим, юриш-турушим ҳам ҳавас қилгучлик. Жамоатимизда меҳнат қилаётганлар ҳалол ишлаб дангиллама улар қуришапти. Барчамиз бир тану бир эсон бўлиб Ватанамиз тараққиётига ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қилаёмиз.

Ўтган йили вилоятимизга таъриф бурчан ҳарбий давлат вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Ушунда бир жаноб, «Халча хоним, елкангизда бутун бир фермер хўжалиги таъинлари бўлишига қарамай, бунча қайиригиниз чоғ?» деб савол бериб қолди. Бугун ҳеч бир қамим йўқ, эртанги кундан эса хотиржамман. Чунки орқамда давлатим турбиди, деган эъвобимни эшитиб, у жуда тўққиланиб кетди.

Халчахон МИРЗАЕВА,  
«Ўзбекистон Қаҳрамони»,  
Тўрақўрғон туманидаги «Халча а»  
фермер хўжалиги раҳбари.

### 1991



## 2013

### 1997 йил

• Президентимиз томонидан «Инсон манфаатлари йили» деб ном берилган ушбу йилда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

• Навқирон авлоди билимли, ватанпарвар, миллий ҳамда умумбашарий кадрларга ҳурмат руҳида камол топтириш, истеъдодини рўёбга чиқариш каби эзгу мақсадларни муваффақият билан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури кучга кирди.

• Президентимиз Ўзбекистон Олимпия шон-шўхрати музеига Осиё Олимпия кенгашининг «Олтин ордени»ни топширди. Мазкур мукофот Осиё китъасида олимпия аъёнларини қарор топтириш ва бойлишга, мамлакатимизда шижоатли тарбия ва спортни ривожлантиришга қўлган улкан ҳуссаси учун Осиё Олимпия кенгаши томонидан тақдим этилган эди.

• Тошкентда «Нефть ва газ» биринчи халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 30 мамлакатидан юзга яқин ихтисослаштирилган компания ва фирмалар вакиллари қатнашди.

• Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бусафасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби ўзбек ва рус тилларида нашр этилди.

• 1 октябрь республикамизда «Ўқитувчи ва мураббийлар кунини» сифатида кенг нишонлана бошланди.

• Самарқандда биринчи «Шарқ тароналари» халқаро фестивали бўлиб ўтди. Ушбу анжуман Шарқ мамлакатлари халқлари миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, миллий мусиқа аъёнларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбиди санъатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтиришга қаратилган бўлиб, ҳар икки йилда бир бор ўтказиб келинмоқда.

• Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 52-сессияси мажлисида иштирокчилар «Марказий Осиёда ядро қуролдан холи ҳудуд яратиш» тўғрисидаги резолюцияни қабул қилдилар. Бундай ҳудуд яратиш ташаббусини биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1997 йилнинг февралда БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясида илгари сурган эди.



### ҚУДРАТИМИЗ ИСБОТИ

Хар гал ишонимизнинг салобатли дарвозасидан ичкарига кирарканман, қалбим ғурурга тўлади. Ахир Марказий Осиёда ягона бўлган Деҳқонобод қалийли ўғитлар заводида ишлайман-да!

Бугун заводимиз доғручи дунёга ёйилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган ноёб маҳсулотимиз — қалий ўғитини экспорт қилаяптик. Чунки у — еришче дармондорис. Ўзбекистонимизда эса ушбу маъдан сероб эканлиги барчанинг ҳавасини келтириётган бўлса, заводда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар хар гал катта воқелик сифатида эътироф этилмоқда.

Исбот керакми? Аввало, ана шу улкан ва мураккаб мажмуа жаҳон амалиётида ҳали кузатилмаган жуда қисқа давр — икки ярим йилда қурилиб, ишга туширилган. Илк бор Ўзбекистонда қалий тузи қатламичага тик шахта орқали эмас, балки қия шахта ёрдамида этиб борилди. Бу иқтисодий қудратимиз, саноат салоҳиятимиз юксаклигининг амалдаги исботи эмасми?!

Истиқлолимизнинг 22 йиллик байрами арафасида яна бир янгилик — хом ашёни қондан осма арқон йўли орқали ташиниши киришди. Жуда мураккаб, айни пайтда ўта қизиқарли бўлган ушбу лойиҳага асосан, хар бири 2,24 тонна юк кўтариш қувватига эга 800 та вагончадан иборат замонавий транспорт линиси бир соатда қайта ишлаш мажмуасига 350 тонна хом ашёни етказиб бера олади.

Буларнинг бари мустақиллик шарафати экан, уни кўз қорачиғидек асраш, иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш хар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Бу эса зиммамизга янада каттароқ масъулият юклайди.

Ўрал НАЗАРОВ,  
«Деҳқонобод қалийли ўғитлар заводи»  
унитар корхонаси бош кончиси.

### 1991



### 2013

#### 1998 йил

- Мамлакатимизда "Оила" Республика илмий-амалий маркази ташкил этилди.
- "Тошкент трактор заводи"да 22 ва 32 от кучига эга бўлган икки турдаги мини-тракторлар ва уларга ускуналар комплексларини ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этилди.
- Вазирлар Маҳкамасининг "Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Шунга мувофиқ, ноябрь ойида Бухоро вилоятида биринчи академик лицей фойдаланишга топширилди.

Ер юзидаги энг баланд нуқта — Эверест чўкқиси Ўзбекистонлик 11 нафар альпинист томонидан забт этилди. Гуруҳ аъзоси Рустам Ражабов 22 май куни маҳаллий вақт билан соат 16:45 да денгиз сатҳидан 8848 метр баландликда жойлашган чўкқига Ўзбекистон байрогини ўрнатди.

Беруний шахрида буюк олим Абу Райҳон Беруний музей биносининг пойдеворига биринчи ғишт қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти "Эл-юрт хўрмати" орденини таъсис этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.

Тошкентда кураш бўйича навбатдаги таъсис конгресси бўлиб ўтди. Жаҳоннинг 27 мамлакатидан қатнашган вакиллар яқдиллик билан Халқаро кураш ассоциациясини тузишни ёқлаб овоз бердилар. Шундан буён "Ўзбекистон Президенти Кубоги" учун Халқаро кураш турнири ўтказила бошланди.

Нурота шахрида "Алпомиш" достонининг 1000 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Самарқандда буюк мутафаккир Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 40 дан ортик мамлакатидан меҳмонлар қатнашди. Шу куни Пайриқ туманининг Хартанг қишлоғида Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлди. Ушбу маросимда Президентимиз нутқ сўзлади.

Фарғонада Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Юбилей тантаналари "Жаҳон фанини ривожлантиришда Аҳмад ал-Фарғонийнинг роли" мавзусидаги халқаро конференция билан бошланди.

### ҚОНУН ВА ИЖРО

Бугунги кунда мамлакатимизда хорижий инвесторларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини жорий этиш, уларга эркин фаолият юритишлари учун қулай имтиёз ва преференциялар бериш, умуман, инвестициявий муҳитни янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қабул қилинган бир қатор қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторлар ҳуқуқларини муҳофаза қилишни кафолатлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Чунинчи, "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонунда чет эл инвестицияларини амалга ошириш шакллари, улар учун ҳуқуқий режим ҳамда инвесторларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгилаб берилди. "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонун билан эса инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари, уларни ҳимоя қилиш чоралари ҳамда бу борадаги кафолатларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари назарда тутилди. Бундан ташқари, Президентимизнинг соҳани ривожлантиришга оид фармонларига асосан, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга бир қатор имтиёз ва афзалликлар берилди.

Мисол учун, 2005 йил 1 июлдан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишдаги иқтисодий тармоқларни қуриш бўлиб, Президентимизнинг қарори билан эса инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари, уларни ҳимоя қилиш чоралари ҳамда бу борадаги кафолатларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари назарда тутилди. Бундан ташқари, Президентимизнинг қарори билан эса инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари, уларни ҳимоя қилиш чоралари ҳамда бу борадаги кафолатларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари назарда тутилди. Бундан ташқари, Президентимизнинг қарори билан эса инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари, уларни ҳимоя қилиш чоралари ҳамда бу борадаги кафолатларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари назарда тутилди.

Берилаётган имтиёزلарнинг узвий давомии сифатида Юрбощимизнинг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшма чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улushi беш миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган ангидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштиро-

## Қулай инвестиция муҳити — жадал ривожланиш омили

кидаги корхоналар давлат рўйхатида ўтган санадан бошлаб ўн йил мобайнида инвестиция киритилган санада амал қилган солиқ қонунчилиги қўлланилиши кафолатланди.

Шунингдек, 50 миллион АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улushi камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида ишлаб чиқариш майдонидан ташқарида зарур ташқи муҳандислик коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб берилди. Масалан, Сурғил қони негизда Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш бўйича амалга оширилаётган лойиҳа бунинг яққол далилидир. Бу ерда умумий қиймати 212 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган ташқи-муҳандислик инфратузилмасини барпо этишни давлат ўз зиммасига олган.

Шу ўринда эътироф этиш керак, мамлакатимизда чет эллик инвесторнинг Ўзбекистонда олган даромадларини қайтадан инвестиция сифатида киритиш бўйича ҳеч қандай чекловлар йўқ. Чет эллик инвесторнинг даромади, унинг хоҳишига кўра хар қандай шаклда ишлатилиши мумкин. Бундан ташқари, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш

юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг "Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомга асосан, вазирликка бу борада алоҳида вазифа ва функциялар юклатилди.

Ўз навбатида, адлия органлари томонидан бу борада аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари талабларини бажаришда муваффақиятлар билан бир қаторда, айрим давлат органлари мансабдор шахсларининг уларга риязатмаслик ҳолатлари аниқланмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўтказилган ўрганишларда жами 700 та қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди. Масалан, Қосонсой тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси томонидан "Трейдвелл Интернейшнл" хорижий корхонаси ходимини маъмурий жавобгарликка тортишда қонун бузилишига йўл қўйилганиги аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан киритилган тақдирномага асосан, хорижий корхона ходимига нисбатан қўлланилган маъмурий жарима бекор қилиниши таъминланди. Шунингдек, мингдан ортик хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятидаги

муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан мониторинглар ўтказилди. Аниқланишича, тегишли давлат идоралари 429 та қонун бузилиши ҳолатига йўл қўйган.

Адлия органларида хорижий инвесторлар муносабатлари тўлиқ ва хар томонлама кўриб чиқилиши ҳамда қонуний ҳал этилиши алоҳида назоратга олинган. Жумладан, 2013 йилнинг биринчи ярим йиллиги давоми-

кат содир этган мансабдор шахснинг бевосита ўзидан ундиришни назарда тутилди. Масалан, Самарқанд шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходими томонидан "Сибёвш Алтра Самарқанд" қўшма корхонасида текширув жараёнида ортикча ҳужжатлар талаб қилгани аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан текширув ўтказган шахсдан қўшма корхона раҳбари фойдасига маънавий

зарар ундириш ҳақида даъво аризация киритилиб, суднинг ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда ўтказилаётган бу каби текширишларнинг қонунчилигини таъминлашга назорат қилувчи органлар томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2013 йилнинг биринчи ярим йиллигида улар фаолиятида 77 та ҳолатда текширишларни тайинлаш ва ўтказиш тартиби бузилганлиги аниқланди. Бунга нисбатан ҳам қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари кўриломоқда.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг эркин фаолият юритишлари учун ҳуқуқий база яратилган. Ўз навбатида, Адлия вазирлиги асосий эътиборини маъмурий ҳужжатлари нормаларининг ижро этилишига, жойларда қулай инвестиция муҳити шакллантирилишига жиҳдий эътибор қаратилмоқда. Зеро, юртимиз иқтисодийни ривожлантириш, тирмоварда аҳолининг фаровон турмушини таъминлашда ушбу омиллар долзарб аҳамият касб этади.

А. УСМАНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари.

## Японияда давра суҳбати

Давоми. Бошланиш 1-бетда.

Профессор-археолог, "Дўстлик" орден соҳиби, Термиз шаҳрининг фахрий фуқароси Кюдзо Като Ўзбекистоннинг бой тарихи мамлакатимиз раҳбарияти томонидан қадимий ёдгорликларни тиклаш ва маданий қадриятларни асраб-авайлаш борасида олиб борилаётган эътиборга молик ишлар тўғрисида мамнуният билан сўз юритди. Унинг маълум қилишича, Осака шаҳридаги Япония этнография миллий музейида "Ўзбекистон бурчаги" мажхуд бўлиб, у ерда юртимиз тарихига оид ранг-баранг

буюмлар мажмуаси билан танишиш мумкин. Шу билан бирга, К. Като маданий жиҳатдан кўплаб муштаракликларга эга бўлган Япония ва Ўзбекистон бугун турли соҳаларда ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантираётгани хусусида ҳам атрофлича тўхтади. Кунчиқар мамлакатда серкўёш Ўзбекистоннинг тарихи ва замонавий тараққиётига бағишланган давра суҳбатлари, семинар ва тақдиромларнинг мунтазам тарзда ўтказилиши, япониялик археологининг фикрича, икки давлат ўртасидаги маданий алоқаларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

«Жаҳон» АА.

Давоми. Бошланиш 1-бетда.

Харакат томонидан ташкил этилган турли тадбирларда мамлакатимиз экологик сиёсатининг асосий йўналишлари кенг тарғиб қилинди, мавжуд экологик муаммолар ҳақида халқаро жамоатчиликка ахборот берилди. Хусусан, 2010 йил 16-17 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган "Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш" мавзусидаги халқаро анжуман Экоҳаракатнинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада оширишга хизмат қилди. Унда 36 та мамлакат ва 60 та халқаро ташкилот, шунингдек, БМТ, ЕХХТ, Жаҳон банки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Жаҳон ёввойи табиат фонди, Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқидан 100 дан ортик экспертлар, элчионалар ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари вакиллари, Ўзбекистон ва дунё тадиқот марказларининг таниқли олимлари, табиатни муҳофаза қилиш давлат органлари ва ННТ раҳбарлари иштирок этиди.

Экоҳаракат фаоллари афроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришда ҳам фаол қатнашмоқда. Ўзбекистон экологик ҳаракати жаҳон парламентаризми тарихида илк бор республикамиз парламентининг қуйи

палатасида ўзи учун квоталанган 15 та депутатлик ўрнига эга бўлди. Бунинг учун "Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга

## Экологик барқарорлик мезони

асосан, 2009 йилнинг декабрида мамлакатимиз парламентининг қуйи палатасига 15 депутат муқобиллик асосида ошқоралик ва демократия тамойилларга амал қилинган ҳолда сайлаб олинди. Парламентнинг қуйи палатасида Экоҳаракат депутатлари гуруҳи, Экология ва афроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ташкил этилди.

Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония, Хитой, Швейцария, Украина, Корея Республикаси ва бошқа қатор хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги тажрибалари ўрганилди. Афроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишни тартибга соладиган қатор янги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилганлиги, ай-

### ЯНГИЛИК

Сирдарё вилояти педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти томонидан мактабларда ўтиладиган чет тили дарсларини интернет тармоғи орқали масофадан туриб кузатиш ва таҳлил қилиш жорий этилди.

## Интернет орқали тавсия берилади

Бир йўла вақт ва маблағга тежаш, педагогга тўлақонли дарс ўтиш имкониятини яратадиган ушбу янгилик вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда мазкур институт ҳамкорлигида амалга оширилди. Ўтган ўқув йили охирида вилоятнинг 3 та мактабнинг чет тили машғулоти институтининг малакали мутахассислари томонидан ана шу

тарзда кузатилиб, дарс ўтган ўқитувчиларга керакли тавсиялар бериб борилди. — Янги ўқув йилида чет тили дарсларини масофадан кузатиш ва таҳлил қилишни вилоятимиздаги яна 8 та тажрибасиз мактаб бачча умумтаълим мактаблари малакали чет тили ўқитувчилари билан тўлиқ таъминланди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### ТАДБИР

Самарқанд вилоятида Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми" нодавлат ножиорат ташкилоти ҳамда "Меҳр нури" хайрия жамағатси томонидан ўтказилган ижтимоий лойиҳалар тақдироти кўпчилида катта қизиқиш уйғотди.

## Ижтимоий лойиҳалар тақдироти

Тақдирот иштирокилари "Фонд Форум" қўмағида ташкил этилган "Хушида ширинликлар", "Сифатли макорон" оилавий корхоналари ҳамда "Муродов Хамид" масъулиятли чекланган жамияти фаолияти билан яқиндан танишилди.

Оилавий тадбиркорлики ривожлантириш масалаларига бағишланган семинарда эса сўзга чиққанлар яратилган шарт-шароитлар хусусида ўз муносабатларини билдирдилар.

Бундан ташқари, "Фонд Форум" ташаббуси билан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида "Спорт майдончалари — хар бир маҳаллада" акцияси доирасида Самарқанд шаҳридаги Боғи банд ва Али Қушчи номидидаги маҳалларда болалар спорт майдончаларини очилиш маросими бўлиб ўтди. Ташкилотчилар томонидан маҳаллар болаларига спорт анжумлари совға қилинди.

Шу куни Пайриқ туманидаги Имом Бухорий масжид-мажмуасида "Меҳр нури" хайрия жамағатси томонидан вилоятдаги бир гуруҳ нурунийлар, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар вакиллари учун хайрия тадбири ташкил этилди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# Сифатли ва рақобатбардош

Маҳаллийлаштириш дастурининг ижроси ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминламоқда.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий муассасалар инфратузилмаси ва моддий-техник базасини замон талаблари асосида такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада тадбиркорлик ҳаракати равнақи изчил қўллаб-қувватланиб, ишбилармонларга бир қатор имтиёзлар бериб келинаётир.

ҳиссасини кўшиб келаётган жамоалардан биридир. 2007 йилда ташкил этилган ушбу корхонада бугунги кунга келиб 70 номдаги турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг орасида гальванизатор, ультратовуш терапияси ва юқори частотали электржарроҳлиги воситалари, негатоскоп, махсус ёриткичлар, кушетка, банкетка, каравот, замбил, стол, тиббиёт шкафи ва тумбаси, кресло, шатив, буй ўлчагич, тиббиёт пардаси, беморлар стули, ошхона ва

ўрнатилган "Кварц-4М" русумидаги рециркулятор (бактерияларни ўлдирадиган) нурлантргич ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур универсал тиббий жиҳозлардан қайси мақсадда фойдаланилади ва уларнинг афзалликлари нимада? Амалиёт шунки кўрсатмоқдаки, ушбу рециркуляторларни барча иншоотларда — болалар боғчалари, мактаблар, шифохоналардан тортиб жамоатчилик жойлари, хусусий уйлар, умумий овқатланиш жойларида ҳам ишлатиш мумкин.

кўйилган бу турдаги нурлантргичлар инфекциялар тарқалиши ва касалликлар ривожланиб кетишининг олдини олади. "Кварц" рециркуляторлари ГРИПП ва ОРВИ каби хасталикларни, айниқса, кўпайиш даврида профилактика қилиш ҳамда даволашда ҳам айнаи муваффақият олади. Ўз навбатида, ушбу қурилмалар фойдаланиши жуда осон ва қулай бўлиб, энергия сарфи нуктаи назаридан тежамкор, хавфсиздир. Уларнинг ишлаш тамойили ультрабинашча нурлар ёрдамида вируслар ҳамда бактерияларни йўқотишга асосланган.

## Реклама ўрнида

Барча маҳсулотларимиз жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб беради, — дейди МЧЖ бош директори Отабек Жиянбоев. — Улар юртимизнинг кўплаб даволаш муассасаларида кенг қўлланилиб келинаётганининг боиси шунда. Республикаимиздаги Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти, ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий маркази, Онкология, ихтисослаштирилган Дерматология ва

